Шайх Анвар Авлақий

# ҚАЛБЛАР ВА ОНГЛАР УЧУН КУРАШ

Sodiqlar.com

## Муқаддима

Бутун оламларнинг Робби бўлган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳнинг элчисига, унинг оиласига ва Қиёматгача унга эргашганларга Аллоҳнинг саломи ва дуолари бўлсин.

Ундан сўнг... Ушбу таҳлилий рисола – шайх Анвар Авлақийнинг Яман золимлари қамоқхонасидан озод этилганидан сўнг қилган маъруза нутқининг матни.

Шайх Анвар Авлақий АҚШнинг Ню-Мексико штатида туғилган. Ота-онаси асли яманлик. Шайх Яманда 11 йил яшаган ва Исломий таълимининг дастлабки қисмини у ерда олган. У Колорадо, Калифорния штатлари ва Вашингтон шаҳридаги масжидларда имомлик қилган. Вашингтонда яна "Дар ал-ҳижраҳ" исломий марказига раислик қилган ва Жорж Вашингтон университетида имомлик қилган. У ҳозирда Яманда истиқомат қилган ҳолда, таниқли уламолардан таҳсил олмоқда, шогирдларига дарс бермоқда ҳамда жиҳодий фаолият олиб бормоқда.

Шайх Анвар Авлақийнинг Колорадо давлат университетидан муҳандислик (Сивил Энгинееринг) соҳасида фан бакалаврлиги, Сан Диего давлат университетидан таълимда етакчилик соҳасида магистрлиги бор. У АҚШдан чиқиб кетишидан олдин Ж.Вашингтон университетида "Меҳнат ресурсларини ривожлантириш" соҳасида докторлик устида ишлаётган эди.

Даъватчи имом кўплаб овозли дарс силсилаларининг муаллифидир. Улардан машҳурлари "Пайғамбарлар ҳаёти", "Охират", "Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёти", "Абу Бакр розияллоҳу анҳу ҳаёти ва даври", "Умар розияллоҳу анҳу ҳаёти ва даври" ва бошқалар. Аллоҳ унинг меҳнатларига ажрлар берсин.

Оғзаки нутқнинг ушбу матнини иложи борича аниқ қилиб кўчиришга эътибор берилди. Ўқишга равон бўлсин учунгина баъзи ўзгартиришлар киритилди. Гап тартибларидаги баъзи хатоликлар оғзаки нутқда қандай бўлса шундай қолдирилган ҳолатлар бўлиши мумкин.

Барча тавфиқ Аллоҳдандир.

Кимда-ким хайрли сўзни тарқатса, унинг савобда улуши ёзилади. Биз барчани ушбу материални оммалаштиришга ундаймиз, токи ҳамма мусулмонлар бу ишдан фойда олсин. Аллоҳ бизларни Ўзи рози бўладиган нарсага ҳидоят қилсин. Аллоҳ хатоларимизни кечирсин ва ибодатимизни қабул қилсин. Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқдир, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Унинг элчисидир ва биз бунга гувоҳлик берамиз.

## Таржимон иловаси

Ушбу матнни таржима қилишдан мақсад, унинг мазмуни мусулмонларнинг бугунги ҳаёти ва келажаги учун ўта муҳимлигидадир. Куфр аҳлининг динимизга қарши олиб

бораётган курашлари ҳақида огоҳ бўлиш ва уларнинг мураккаб тузоқларига тушмай, ўз иймонини ҳимоя қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

Ушбу маърузада Шайх Анвар Авлақий кофирларнинг пухта ўйлаб қўйган ва амалга оширмоқчи бўлган баъзи макрларидан мусулмон оммани, хоссатан, мусулмонларнинг сиёсатини олиб борувчи мужоҳидларни ва аҳли илмларни огоҳлантиради. Шайх Анвар Авлақий кофирларнинг ёзаётган китоблари-ю, баённомаларини таҳлил қилиб, уларни мусулмон оламида содир бўлаётган сиёсий-диний жараёнларга таққослайди.

Ҳурматли шайх, Исломга ва аҳли тавҳидларга қарши қаратилган шунча ҳаракатларга қарамасдан, Аллоҳнинг дини ҳеч қандай ҳийла ва найрангга таслим бўлмаслигини, Ислом душманларининг макрлари иш бермаслигини ва бунинг учун ҳар бир мусулмон уларга қарши жони билан, моли билан ва тили билан курашиши кераклигини уқтиради.

***

## Қалблар ва онглар учун кураш

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан. Барча ҳамд Аллоҳга бўлсин. Пайғамбаримиз Муҳаммадга, у кишининг саҳобаларига ва уларга эргашганларга саломлар ва баракотлар бўлсин.

Қадрли биродарлар ва сингиллар, Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Барча ҳамд Оламлар Робби Аллоҳга бўлсин. Қодир Аллоҳдан меҳнатларимизни қабул қилишини сўраймиз. Қодир Аллоҳдан бизларга фойдали илм беришини сўраймиз.

Эълон қилганимиздек, бу маърузанинг мавзуси "Қалблар ва онглар учун кураш" ва мен уни RAND (АҚШ) институтининг 2007-йилги ҳисоботидан олинган бир иқтибосни ўқиш билан бошлайман:

"Қўшма Штатлар шундай урушга аралашганки, бу уруш ҳам қуроллар кураши, ҳамда фикрлар-онглар курашидир." (Бошқача қилиб айтганда, "Қўшма Штатлар ҳам қуролли кураш, ҳам ғоявий кураш бўлган бир урушда иштирок этмоқда." *Sodiqlar изоҳи*)

Демак, ҳозирда мусулмон оламида ғоявий кураш кетмоқда. Шунга кўра, АҚШ мудофаа вазирлигининг тўрт йиллик мудофаани кўриб чиқиш ҳисоботига кўра:

**"Қўшма штатлар ҳам қуролли кураш, ҳам ғоявий кураш бўлган бир урушда иштирок этмоқда. У шундай урушки, ундаги ҳал қилувчи ғалабага фақат экстремист таълимотларни – уларни қабул қилувчи аҳолиси ва фаол қўллаб қувватловчилари кўзи ўнгида ҳурматсизлантириш билан эришиш мумкин."**

Демак, RANDга кўра, ҳамда Пентагонга кўра ва ҳақиқатан ҳам шундайки, мусулмон оламида ғоявий кураш кетмоқда. Аммо мусулмонларнинг бу ички ишларига нисбатан уларнинг тутган ўринлари қандай? Бу мусулмонларгагина тааллуқли бўлган ишларга,

яъни Ислом динига Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қандай нозил қилинган бўлса бутунлигича шундай эргашмоқчи бўлганлар ва Исломдан танлаб-танлаб, танловга кўра эргашмоқчи бўлганлар ўртасидаги бу курашга нисбатан Американинг тутган ўрни қандай?

Энди бу масала мусулмонлар учун янгилик эмас. Ҳар бир даврда аҳли ҳақлар ва ҳақ йўлдан адашганлар бўлишган. Бу тарихимиз давомида сақланиб қолишлиги Аллоҳ таоло томонидан тақдир қилинган кураш бўлиб, ҳатто биздан аввалги мўмин халқлар ўртасида ҳам мавжуд бўлган.
Масалан, Бани Исроилда ҳақиқатни тутганлар ҳам бор эди ва яна шундайлар бор эдики, Аллоҳ таоло Қуръонда улар ҳақида шундай деб айтган:

**"... Улар сўзларнинг маъноларини ўзгартирадилар"**. (Моида сураси, 13-оят маъноси)

Демак, улар Тавротнинг сўзларини олар эдилар ва ўзгартирар эдилар. Буларнинг баъзилари ўз даврининг ҳукмдорларини қониқтириш учун қилинган. Чунки, биламизки, Бани Исроил турли халқлар ҳукми остида яшаганлар. Масалан, улар римликлар ҳукмдорлиги остида яшаганлар ва ўша даврда римликлар бутпараст эди. Оят тафсирида айтиб ўтилган ривоятга кўра, бир вақтлар Бани Исроилнинг баъзи арбоблари (раввинлари) Бобил подшосига зино қилишга изн берувчи фатво берганлар, аммо улар бу фатвони подшоҳни қониқтириш учун берганлар. Демак, улар Аллоҳ таолонинг ҳукмини бир инсон зотини рози қилиш учун ўзгартирганлар!
Хўш, мусулмон оламида содир бўлаётган бу ғоявий кураш масаласида номусулмонлар нима ишлар қилишмоқда? АҚШ хабарларига ва Жаҳон ҳисоботига кўра:

"Бугунги кунда Вашингтон 11-сентабр ҳужумларидан буён такрорланган хато одимларидан сўнг қайтиб жанг қилмоқда. Қўшма Штатлар ҳукумати "Совуқ уруш" энг чўққига чиққан даврларда ҳам мисли кузатилмаган сиёсий уруш ташвиқотини бошлаб юборди. Ҳарбий-психологик амалиётлар гуруҳларидан ва МРБ (инг. CIA) махфий жосусларидан тортиб, то очиқ жамғармали тарғибот (инг. медиа) ва тафаккур ташкилотларига (инг. think-tank) қадар, Вашингтон ўнлаб миллион долларларни нафақат мусулмон жамиятларига, балки Ислом динининг ўзига таъсир ўтказиш кампанияси учун сарфламоқда".

Энди бу гапни қайтадан эшитиб қўйинг: АҚШ Исломнинг ўзини ўзгартиришга уринмоқда! Ҳеч қандай андишасиз улар очиқчасига "Бизнинг нафақат мусулмон жамиятларга таъсир ўтказиш, балки диннинг ўзини ҳам ўзгартириш ниятимиз бор" деб айтмоқдалар. Эҳтимол, Бани Исроил давридаги Аллоҳнинг китобини ўзгартираётган ўша раввинлар ҳам бунчалик очиқ эълон қилишга ҳеч қачон журъат қила олмас эдилар. Булар эса, ҳатто яшириб ўтирмасдан, биз Исломни ўзгартиришни хоҳлаймиз демоқдалар, ҳа хоҳлаймиз!

Сўнг мақола шундай дейишда давом этади:

**"Вашингтон камида 24 давлатларда мўътадил Исломни тарғиб қилиш мақсадида Исломий радио ва ТВ кўрсатувларни, мусулмон мактабларидаги дарсларни, мусулмон тафаккур ташкилотларини, сиёсий workshopлар ва**

**бошқа дастурларни жимгина молиялаштириб келди. Федерал ёрдам (ўртамиёна мусулмонларнинг) масжидларини таъмирлайди, Қуръонлар чоп этади, ҳатто Исломий мактаблар қуради".**

Хўш, бу ерда кўриб турибмизки, улар замонавий Исломни тарғиб қилишга уринишмоқда, яъни улар таъбирига кўра замонавий ва улар бунинг учун миллионлаб доллар сарфлашмоқда.

Биродарлар ва сингиллар, агар бир мусулмон, ҳақиқий мусулмон буни эшитса, яъни эшитсаки, бу номусулмонлар... дин ҳақида илми йўқ, Аллоҳ таолога ишонмайдиган, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ишонмайдиган ва Қуръонни Аллоҳнинг китоби деб тан олмайдиганлар... Агар ҳақиқий мусулмон бундай кимсаларнинг очиқчасига "Биз сенинг динингни ўзгартирмоқчимиз" деб даъво қилаётганларини эшитса,.. Бу нарса Аллоҳ таолога заррача муҳаббати бор ҳар қандай мусулмоннинг жаҳлини чиқариши керак! Қандай журъат этдинг?! Сен ўзи кимсанки, бизга нима Ислом ва нима Ислом эмас эканлигини ўргатасан?!

Дарҳақиқат, биз собиқ президент Бушнинг микрофон қаршисида туриб олиб Ислом ҳақида дарс берганини, Ислом ҳақида хутба берганини кўрдик. 2002-йил берган мурожаатида у ишонч билан айтдики:

**"Ислом бу дунё бўйлаб бир миллиард инсонларга таскинлик берувчи эътиқоддир ҳамда унинг ҳар бир ирқдан биродарлари ва сингиллари бор. У меҳр-муҳаббатга асосланган эътиқоддир, нафратга эмас".**

Аслида олганда унинг гапи тўғри. Айтмоқчиманки, Ислом ростдан ҳам дунё бўйлаб инсонларга таскинлик келтиради, ҳар бир ирқдан биродарлар ва сингиллар орттирган, у меҳр-муҳаббатга асосланган диндир, нафратга эмас. Айтмоқчиманки, бу гап маълум даражада тўғри, лекин Буш ким бўлибдики, бизга Ислом нима ва нима эмас эканлиги ҳақида гапиради?! Ким унга Ислом номидан гапиришга ижозат берди?!

Субҳаналлоҳ, баъзи мусулмонларнинг ўша пайтда Бушнинг Ислом ҳақидаги бу гапларидан хурсанд бўлиб, фахрланиб юрганини кўрдик. Аслида эса, бу ҳодиса кофирларнинг қанчалик кибр ва манманлик эгаси эканини кўрсатади. Уларнинг фикрича, биз ўзимизга Ислом нима-ю, нима эмаслигини айтиб берувчи кимсага муҳтож эканмиз. Ҳақиқатда бу манмансираш ҳатто баъзи номусулмон таҳлилчилар эътиборидан ҳам қолмади. Улардан бири киноя билан шундай дейди:

**"Сиёсий лидерликнинг барчалари бирданига жам бўлишиб Исломий фанлар бўйича докторлик даражасини олишган кўринадики, оммага Исломнинг ҳақиқий табияти ҳақида маърузалар беришга қодир бўлиб қолишибди".**

RANDнинг бошқа бир ҳисоботида... Аймоқчи, RAND бу 16000 ходимлик нотижорий ташкилот бўлиб, АҚШ мудофаа вазирлигини таҳлилий ишлар билан қўллаб-қувватлайди. Демак, у Пентагонга алоқадор ва нимагадир охирги вақтда RAND ширкати "қалблар ва онглар кураши" масаласига қаттиқ киришиб қолди. Бу мавзуда бир неча нашрлар ёзган ва мен ушбу суҳбат давомида улардан парчалар ўқиб бераман.

Шерил Бернарднинг "Фуқаролик демократик Ислом" *(Civil democratic Islam)* сарлавҳали ҳисоботида... Бу аёл яҳудий, муртадга эрга теггaн – бундан баттари бўлмайди! Унинг эри Залмай Халил Зад муртад бўлиб (агар бундан олдин мусулмон бўлган бўлса), АҚШ бошқармасида жуда юқори мансабларни эгаллаган. У бир муддат БМТга элчи, Афғонистонга элчи, Ироққа элчи бўлган. Демак, улар уни жуда нозик вазифаларга қўйишмоқда.

Хўш, унинг аёли бу Шерил Бернард, RAND учун "Фуқаролик демократик Ислом" номли ҳисобот чиқарди. Уларнинг қандай Исломни хоҳлашлари сарлавҳанинг ўзидан кўриниб турибди! Ҳа айтгандай, биз эргашишимиз керак бўлган маълум бир Ислом версиясини кучга киритиш учун улар ҳатто устимизга армияларини жўнатишгача борадилар. Биродарлар, субҳаналлоҳ!.. Мусулмонлар бундай такаббурликка қарши қўзғалсинлар ва бирлашсинлар!

Бу аёл айтиб ўтган "мўътадил мусулмонлар"ни дастаклаш ҳақидаги тавсияларидан бири:

**"Уларнинг асарларини камайтирилган нархда чоп этиш ва тарқатиш".**

Яна давом этишимдан аввал, уларнинг наздида "мўътадил мусулмонлар" кимлар ўзи? Хўш, улар ҳатто ким "мўътадил мусулмонлар" бўлади ва бўлмайди деб таърифлаш учун рўйхат ҳам келтирганлар. Қаранг-а, уларнинг иши анчайин дақиқ бажарилган!

Қани кўрайликчи, уларга кўра ким "мўътадил мусулмонлар" экан. "Мўътадил мусулмонларнинг сифатлари", бу ҳам бир RAND нашридан парча:

1. **Демократия. Демак, "мўътадил мусулмонлар" демократияга ишонади ва демократик тузумга ишонади.**

Демократияни қабул қилган ва уни шўро деб номлайдиган баъзи мусулмонлар бор. Уларга кўра, шўро Исломий тузумдир, демократияга қисман ўхшаб кетади. Демак, биз мусулмон бўлиб, демократия атамасини ишлатамиз, ҳақиқатда эса биз шўрога ишонамиз. Улар яна айтадиларки, биз демократия деб гапирсак, бу Ғарбга кўпроқ ёқиб тушади, чунки улар шўро деган Исломий тушунчани тушунишмайди.

Мен ҳозир сизларга баъзи мусулмонларнинг нимага ишонишлари ва нима дейишлари ҳақида айтиб ўтдим. Улар шу нарсага ишонишадики, агар улар ўзларига демократияни ўрнатувчи кишилармиз деб тамға қўйсалар, бу билан мусулмон оламида мавжуд бўлган диктаторликларни ўзгартириш учун Ғарбдан ёрдам ва дастак олмоқчи бўладилар.

Лекин бунда жиддий муаммо бор, чунки биринчидан, демократия Исломий эмас. Демократия бу бир тузумдир, Ислом эса бизга умуман фарқли бир тузум олиб келди. Ҳақиқатда эса, жуда камчилик чин Исломий давлат ва шўрога ишонадилар. Ундай бўлса, шўрони ўз номи билан атанг ва уни демократия деманг!

Бу биринчидан эди. Иккинчидан, Бу ҳийла RANDдагиларга ўтмайди, чунки улар “мўътадил мусулмонлар”дан қандай демократияни талаб қилишларини майдалаб таърифлаб қўйишган. Демак, улар айтишганки ва мен бу ерда сизга ўқиб бераман:

**“(Мўътадил мусулмонлар) фақат ғарбона либерал анъанада тушунилувчи демократияни қасд қилмоқликлари лозим”.**

Демак, “менга Исломий нуқтаи назардан тушунилган демократия деманг. Йўқ! Бу қониқарли эмас! Биз хоҳлаган нарса бу фақат ғарбона либерал анъанада тушунилувчи демократияга қасд қилишингдир.”

Улар яна давом этиб айтишибдики:

**“Демократияни қўллаб-қувватлаш остида Исломий давлат тушунчасига қарши туриш ётади”.**

Демак, “мўътадил мусулмон” бу шундай мусулмонки, у демократик тузумга ишонади ва Исломий давлатга қарши бўлади.

Яна айтилганки:

**“Юқоридан кўриниб турибдики, мисрлик “Мусулмон биродарлар” ҳаракати мисолида кузатилгани каби ҳукуматни ташкил қилиш учун сайловлар ўтказишни маъқул кўриш билангина чегараланиб, бирор гуруҳ ўзини демократик деб эълон қилиши бу етарли эмас”.**

2. **“Мўътадил мусулмон”нинг иккинчи сифати бу “бирор жамоатга тааллуқли бўлмаган қонун манбаларини қабул қилишдир”.**

Яъни, инсонлар тўқиб чиқарган қонунларга ихтиёрий ва очиқчасига эргашасан.

Кейин баёнотда яна айтилганки:

**“Мўътадил мусулмонлар ва радикал исломчилар ўртасини ажратувчи чизиқ бу Шариатга амал қилинишидир”.**

Демак, улар учун Шариатга амал қилинишини хоҳлаган мусулмон экстремист бўлиб, “мўътадил мусулмон” эса француз қонунларини ёки бритaн қонунларини ёки халқаро қонунларни, хуллас нима номи бўлса бўлсин одамлар тўқиган қонунларни қабул қилишга тайёр “мусулмон”дир.

3. **“Мўътадил мусулмон”нинг учинчи сифати бу “аёллар ва диний озчилик ҳуқуқларини ҳурмат қилишдир”.**

Хўш, биз аёллар ҳуқуқларига ишонамиз ва диний озчилик ҳуқуқларига ҳам ишонамиз, аммо уларнинг таъбирига кўра эмас. Уларнинг таъбирича, ҳижобни мажбурий қилувчи Исломий давлат бўлса, у экстремист. Агар у насроний ва яҳудийлардан жизя солиғини олса, у ҳам экстремист.

4. **“Мўътадил мусулмон”нинг кейинги тўртинчи сифати бу “терроризмга ва ноқонуний зўравонликка қарши туришликдир”.**

Демак, агар бир мусулмон ўз ерини ҳимоя қилса, босқинчиликка қарши турса, Исломий тузумга кўра яшашни хоҳласа, у экстремист бўлади. “Мўътадил мусулмон” эса АҚШни ўз ерига келиб босиб олишга таклиф қилади, одамлар тўқиган қонунларга эргашиб хурсанд бўлади ва у шундай кишики, тажовузга қарши ўзини ҳимоя қилишга на ғурури, на нафсонияти бўлади. Мана бу “мўътадил мусулмон”!

Демак, англаганингиздан маълумки, улар учун “мўътадил мусулмон” аслида бу мусулмон эмас. Чунки санаб ўтилган тўрт таърифга кўра, яъни улар берган бу таърифлар аслида куфрдир, булар Ислом эмас! Демак, бундан буёғига мен уларни “мўътадил мусулмон” деб атамайман, балки менимча тўғрироқ келадиган ном бу “RAND мусулмони” бўлса керак.

Бундан ташқари, уларнинг мусулмонлар учун сўровнома (анкета)си ҳам бор. Жавобларига қараб улар уни мўътадил ёки экстремист деб тасниф қилишади. Субҳаналлоҳ, бу нарсаларнинг барчасида уларнинг қанчалик такаббурлигини ва мусулмонларга паст назар билан қарашлигини кўрмай иложингиз йўқ! Мана энди улар бизнинг ақидамизни текширишмоқда; улар бизнинг эътиқодимизни синаб, бизга очколар беришмоқда! (Таржимон: Ўзбекистонлик таниқли имом Обидхон қори Европага кўчиб борганида ҳам ББС (Британия) радиоси ва Озодлик (АҚШ) радиоларининг кофир мухбирлари у кишидан шу каби саволларни сўраб, унинг ақидасини текшириб кўришган. Улар ўтказган суҳбатнинг ёзиб олинган шаклини бу радиоларининг тегишли веб-архивларидан топишингиз мумкин.)

Ўша сўровнома мана бундай:

**“Гуруҳ ёки шахс зўравонликни дастаклайдими ёки унга мойиллик кўрсатадими? Агар у ҳозирда зўравонликнинг дастакламаса ёки унга мойиллик кўрсатмаса, ўтмишда қилганми?”**

Демак, улар сизни ҳозирги пайтга келиб зўравонликка қарши бўлсангиз ҳам ҳоли қолдиришмайди. Агар ўтмишда зўравонлик билан боғлиқ тарихингиз бўлса, сиз бу учун жавобгар бўласиз.

Кейинги савол:

**“Демократияни дастаклайдими? Агар дастакласа, демократияга якка шахсларнинг ҳуқулари деб кенг таъриф берадими?”**

Кейинги савол:

**“Халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларини дастаклайдими?”**

Кейинги савол:

**“Бирор истиснога йўл қўядими, масалан, дин эркинлиги билан боғлиқ масалаларда?”**

Демак, сиз ридда (муртадлик) қонунини жорий қилсангиз, бу экстремизм бўлар экан.

**“Ўз динини ўзгартириш ҳар бир шахснинг ҳуқуқи деб ишонадими?”**

Демак, бирор мусулмон яҳудий бўлишни хоҳласа, бирор мусулмон насроний бўлишни хоҳласа, бирор мусулмон сигирга, маймунга, ё илонга ибодат қилишни хоҳласа, унинг бу ишни қилишга ҳаққи бор бўлиши керак экан! Агар бирор мусулмон бир вақтлар тўғри йўлга ҳидоятланиб ва мусулмон бўлиб иззатланган бўлса, у Аллоҳ таолони таниган бўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашган бўлса,.. агар ўша Аллоҳ марҳамат қилган шундай кимса, шунча неъматлардан кейин ҳам сигирга ибодат қилишни хоҳласа, у бунга тўла ҳуқуқли бўлиши керак экан!

**“Давлат Шариатнинг жиноят ҳуқуқи қисмини кучга солиши керак деб ишонадими?”**

Демак, Ҳадлар жорий қилинмасин экан! (Таржимон: Ҳад – бу Аллоҳ таоло белгилаб қўйган чегара. У чегарани бузганлар, яъни бу оғир жиноятларга қўл урган гуноҳкорлар бу дунёда Шариатга кўра жиноий жазога тортиладилар.)

**“Давлат Шариатнинг фуқаролик қонунларидан иборат қисмини қабул қилиши керак деб ишонадими?”**

Масалан, никоҳ ишлари, кўп хотинлилик билан боғлиқ масалалар.

**“Ёхуд, суд-ҳуқуқ тизимида Шаръий бўлмаган танловлар ҳам бўлиши керак деб ишонадими?”**

Субҳаналлоҳ! Бу ерда нима ҳақида гап кетаяпти?! Сабзавот бозорида картошка-пиёз сотиб олишми бу?! Шаръий бўлмаган йўллар ҳақида гапирилаяптими бу ерда?! Дунёдаги ҳеч бир давлат қонун борасида ҳеч кимга танлов бермайди. Ҳар қандай масала учун фақат битта қонун бўлади. Улар эса биздан танлаш учун ҳар хил қонунлар бўлишини исташмоқда!

Демак, бир киши маҳкамага киради ва унга кўп танловли тест саволи берилади: **“Сиз қайси қонунга амал қиласиз?”** Аллоҳ таоло айтади:
**Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар.** (Нисо сураси, 65-оят)

Ҳеч қайси мусулмон агар Аллоҳ таолонинг қонунини қабул қилмас экан, у мусулмон бўла олмайди. Агар бирор мусулмон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатини қабул қилишдан бош тортар экан, у мусулмон эмас.

Сўровнома давом этади:

**“Диний озчилик нафарларига ҳам мусулмонлар билан бир хил ҳуқуқлар берилиши керак деб ишонадими? Мусулмонлар кўпчилик бўлган давлатда диний озчиликнинг вакиллари ҳам юқори сиёсий мансабни эгаллай олиши керак деб ишонадими?”**

Биз бу саволга йўқ деб жавоб берамиз. Улар юқори мансабни эгаллай олмайди, чунки Аллоҳ таоло айтадики:

**Эй мўминлар, ўзларингни қўйиб, (у мунофиқларни) сирдош дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргазсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик.** (Оли Имрон, 118)

Демак, бу оят яҳудий ва насронийларни ўзимизга “битонаҳ”, яъни маслаҳатчи қилиб олишимизга ёки уларни юқори мансабга қўйишимизга ижозат бермайди.

Сўровнома давомида айтиладики:

**“Мусулмонлар кўпчилик бўлган давлатларда диний озчилик аъзоларига ўз эътиқодларига оид ташкилотлар тузиб фаолият олиб бориш ҳуқуқи берилиши керак деб ишонадими?”**

Энди, бу масалага оид Исломий қонун шундайки, яҳудийлар ва носаролар ўзларининг мавжуд синагог ва черковларини сақлаб қола оладилар, аммо аҳли зимма кодексига кўра, янгиларини қура олмайдилар. (*Аҳли зимма* – мусулмонлар ерларида Шарият ҳукми остида яшаётган яҳудийлар ва насронийлар.)

Сўнгра:

**“Диний бўлмаган қонунчилик тамойилларига асосланган бирор қонунчилик тизимини қабул қиладими?”**

Бунинг барчаси куфр! Улар учун мана шулар “мўътадил мусулмон” бўлади!

Биз энди Шерил Бернарднинг тавсияларига қайтамиз ва унинг биринчи тавсияси:

**“Мўътадил (ёки RAND) мусулмонларининг асарларини арзон нархда чоп этишимиз ва тарқатишимиз керак”.**

Бу ботилни кенг тарғиб қилиш учун. Унинг кейинги тавсияси:

**“Уларни (RAND мусулмонларини) кенг оммага ва ёшларга қарата (мақолалар) ёзишга ундаш”.**

Чунки мусулмон оламидаги кенг омма ҳақиқатни кўра олади ва ким улар учун гапириши ёки гапирмаслигини билишади. Улар яна ёшлардан келадиган хатарни ҳам тушунишади, чунки айнан ёшлар ҳақиқат учун туриб берадилар. Иброҳим алайҳиссалом ҳам бутларни вайрон қилганида ёш йигит эди. Каҳф (Ғор) сурасидаги қиссадан биламизки, ғорга қочиб кирган мўъминлар ҳам ёшлар эди. Сийратдан ҳам биламизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дастлабки издошлари ёшлар бўлишган. Энди бу аёл ёшларни адаштиришга ундамоқда.

Унинг кейинги тавсияси:

**“Уларнинг қарашларини Исломий таълим дастурига олиб кириш”.**

Улар бу йўналишда аниқ одимлар қўйиб бўлишди. Улар мусулмон ўлкаларидаги таълим дастурларини харобга чиқаришди. Баъзи соҳалар, айниқса, жиҳод ҳақида, ҳадлар ҳақида, Аллоҳнинг қонунлари ҳақида баҳс юритувчи қисмлар олиб ташланди ёки ўзгартирилди.

Навбатдаги тавсия:

**“Мусулмон халқларнинг Исломдан олдинги ва Исломий бўлмаган маданиятини эсдан чиқармасликка ундаш ва ривжоланишига йўл очиш; бу ишда оммавий ахборот воситалари ва таълим тизимидан фойдаланиш”.**

Яъни, масалан, келинглар фиръавнлар цивилизациясини қайта жонлантирамиз. Келинглар, фиръавнлар ҳақида суҳбатлашайлик ва уларни ижобий руҳда намоиш этайлик. Келинглар, Исломий сивилизатсия ҳақида суҳбатлашгандан кўра, фиръавнлар цивилизацияси ҳақида, уларнинг ютуқлари ва ўша қадим замонларда эришган тараққиёти ҳақида гаплашайлик. Келинглар, жамиятнинг Ислом келишидан олдинги маҳаллий маданиятини қайта тирилтирайлик. Яъни келинглар, Исломдан олдинги Арабистон ва араб миллатчилиги ҳақида гапирайлик. Шимолий Африкадаги бербер халқларининг тарихи ҳақида гапирайлик. Шомнинг рум ва юнон тарихи ҳақида гапирайлик... Шунинг учун ҳам археологлар Яқин Шарқнинг Исломдан олдинги тарихига катта эътибор беришади. Шунинг учун ҳам улар Месопотамия ва фиръавнларнинг Қадимги Мисри ҳақида жуда кўп гапирадилар.

(Таржимон: Ўрта Осиёда эса, келинглар, оташпараст зардуштийларни қайта тирилтирайлик. Авестонинг 2500 йиллигини нишонлайлик, Алпомишни ҳамма ёшларга ўқитайлик, Қадимги Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Афросиёб деган мушрик халқларнинг маданиятини, динини бугунги ёшларга таништирайлик. Тўмарис, Широқ, Спитаменлардан қаҳрамон ясайликда, қаёқдаги араблардан бўлган саҳобаларни унутайлик. Келинглар, барча туркий халқларни Исломдан олдинги дини бўлган шомонликка ва Кўк турк динига қайтишга даъват қилайлик. Ахир биз туркмиз ва Ислом бу арабларнинг дини! Қадимги жоҳилият даври қолдиқларини қидириб ҳамма ёқни қазиб ташлайлик, музейлар очайлик, тарихий филмлар ишлаб, мактаб дарсликларида уларнинг нақадар гўзал маданият ва етук ҳаёт тарзида яшаганликларини намоиш этайлик... Исломий халифалик даври ҳақида умуман ижобий маънода гаплашмайлик, бу даврдаги илм-фан ютуқларини ҳам Исломий маданият таркибида эмас, балки миллий маданият таркибида қилиб кўрсатайлик... Бу

даъволарнинг барчасини Ўрта Осиё ва Туркиядаги Исломга зид унсурлар илгари сурадилар. Телевизорлар, радио-газеталар, мактаб дарсликлари, оммавий тадбирлар уларнинг бу даъволари билан тўлиб тошмоқда. Қанча-қанча лақма ёшлар ва оддий омма уларга эргашмоқда. Исломдан кечиб, Исломдан олдинги миллатчилик ва жоҳилият йўлини танламоқда. Исломдан олдинги ўтмишни улуғлаш билан бирга, мусулмон халқларга, мусулмон маданиятига ва ўз халқининг Исломий ўтмишига нафрат, менсимаслик, адоват билан қарамоқда.)

Биз бундан огоҳ бўлишимиз керак ва Исломдан олдинги тарихимиздан ҳеч ҳам мағрурланмаслигимиз керак. Уларнинг ҳаммаси жоҳилиятдир ва улар ҳатто цивилизация деб номланишга ҳам арзимайди. Чунки улар цивилизация эмас! Улар биз учун Жаҳаннамга йўл эди, улар зулмат эди, зулмат қаъридаги зулмат! Фиръавн эса ёвузлик тимсоли, уни ҳеч қачон ижобий руҳда намойиш этиб бўлмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қўшини билан Самуд қавми диёри яқинидан ўтганларида, баъзи саҳобалар у ерга кирмоқчи бўлишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга рухсат бермадилар. Нимага? Чунки улар у ерда кўрганларидан ҳайратга тушмасликлари учун ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай дедилар:

***"Уларнинг шаҳарларига кирманглар, кирсангиз ҳам йиғлаб киринглар". (Уларнинг бошига келган азобни эслаб йиғланглар.)***

Бундан дарс олиш керак. Саҳобалар яна Самуднинг қудуғидан сув олиб, нон учун хамир қилган эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хамирни ҳайвонларга беришни, ўзлари емасликни ва Самуд халқининг қудуғидан сув ичмасликни буюрдилар. Бу нарса биз билан ўша кофирлар ўртасида тўсиқ ўрнатиш бўлади.

Унинг навбатдаги тавсияси:

**"Сўфийликнинг оммалашуви ва қабул қилинишини кучайтириш".**

Демак, бу аёл тасаввуфни тарғиб қилмоқчи. У бу ишни тасаввуфга меҳр қўйганидан эмас, балки унинг Аллоҳ йўлидаги жиҳодни бошқача талқин қилгани сабабли ва зўравонликка қарши бўлгани сабабли. Аммо улар Умар Мухторнинг тасаввуфини ёки Шимолий Африкада мавжуд бўлган бошқа йирик сўфий-жиҳодий ҳаракатларнинг тасаввуфини тарғиб қилармикин?

"Фундаменталистларга қарши чиқиш ва курашиш" сарлавҳаси остида Ш. Бернард қуйидаги тавсияларини берибди:

**1. Уларнинг ноқонуний гуруҳларга ва фаолиятларга алоқасини фош қилиш.**
**2. Зўравонликларнинг ёмон оқибатларини оммалаштириш.**

Энди урушда одамлар ўлдирилади ва уларнинг баъзилари айбсиз бўлади. Урушнинг табиати ўзи шунақа. Аммо мусулмонлар азалдан беайбларни ўлдирмасликка ҳаракат қиладилар ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга оид Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам ўрнатиб кетган қатъий қоидалар бор. Масалан, урушда қатнашмаган аёллар, қариялар ва монахларни ўлдириш мумкин эмас. Дарахтлар ва ўсимликларни ёқиш, кесиш мумкин эмас.

Бу аёлнинг айтмоқчи бўлган гапи шундайки, биз Аллоҳ йўлидаги мужоҳидлар билан беихтиёр содир бўлган фалокатларни олиб, масалан, бир неча беайб одам ўлдириб қўйилди, энди келинг, шуни олайлик-да, ҳаддан ташқари шиширайлик ва пашшадан фил ясайлик.

Бошқа тарафдан эса АҚШ бутун бошли турар жой биноларини бомбаласа ҳамда ичидаги ҳар кимни – аёллар, болалар, қарияларни ўлдирса, энди буларни четга суриб қўяйлик, бу ҳақида суҳбатлашмайлик ва буни унутиб қўя қолайлик. Агар бу ҳодиса дунёга фош бўлиб қолса, ўшанда бирор баҳона топармиз. Аммо лекин агар мусулмонлар ўзларининг Аллоҳ йўлидаги урушларида бирор хатога йўл қўйсалар ёки тасодифий бир фалокат содир бўлса, ундан бир улкан масала ҳосил қилайлик ва ҳаддан ташқари шиширайлик.

Бу нарсанинг ҳар доим содир бўлаётганини ўзимиз кузатаяпмиз. Ҳолат шу даражага бориб етдики, энди одамларнинг онгида мусулмонларнинг беайб кишиларга нисбатан умуман парвоси йўқ деган қараш ўтириб қолди. Нима учун? Чунки бу Ғарб тарғиботи тарқатган сафсаталар туфайлидир, бу Ғарбнинг мақсадидир. Бу мусулмонларни атайин шундай талқин қилишдир. Аммо ҳар қандай виждонли инсон энг ақли бўлса ҳам, кўриб била оладики, беайб одамларни ҳозир Ироқда, Афғонистонда, Сомалида ва бошқа ерларда АҚШ ўлдирмоқда. Мусулмон аҳоли яшайдиган ҳудудларга айбдорни беайбдан ажратмасдан ёппасига бомба отмоқда.

Урушдан олдин Ироқ учун қўйилган халқаро эмбарго (иқтисодий қамал)да миллиондан ортиқ инсон нобуд бўлди. Ҳозирда бутун бир авлод ироқликлар ушбу эмбарго оқибатида ҳосил бўлган қашшоқликда яшамоқда. Бу эмбарго оқибатида кўплаб касалликлар тарқалди.

Унинг навбатдаги тавсияси:

**3. Фундаменталист, экстремист ва террористларнинг зўравонлик билан қилган жасоратига ҳурмат ҳамда ҳавас кўрсатишдан тийилиш.**

Сўнг, у аёлнинг айтган гапларига қаранг:

**“Уларни ёвуз қаҳрамонлар эмас, балки эс-ҳушини йўқотган ва қўрқоқ деб тасвирлаш”.**

Баъзан душманингга ҳам ундаги баъзи сифатлари учун ҳурмат кўрсатасан. Масалан, Ғарб ўзининг Салоҳиддинга нисбатан, унинг баҳодирлигига, унинг жасурлигига нисбатан ҳавасини ҳеч яшира олмаган. Тарих бўйлаб турли халқлар ўртасида урушлар бўлганини кўрамиз, аммо барибир душман тараф кейинги тарафга бироз ҳурмат, бироз ҳавас кўрсатган. Баъзи даврларда улар айтиши мумкин эдики, тўғри булар бизнинг душманларимиз, аммо агар биз ҳақиқатни айтсак, улар жуда

